



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.09.2024, Accepted: 02.10.2024, Published: 10.10.2024

УДК 618.12-364.050.4.168.1:616

ТАЖРИБА ШАРОИТИДА СУРУНКАЛИ РАВИШДА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ИЧГАНДА БАЧАДОНДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ (CD-138 МАРКЕРИ) НАТИЖАЛАРИ

Ишанкулова Дилдора Хабибуллаевна <https://orcid.org/0009-0001-3987-3218>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу тадқиқотда тажриба усулида оқ наслсиз каламушлар сурункали энергетик ичимликлар ичирилганда бачадон тўқимасида ва безларида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар иммуногистокимёвий усулда текширилган. Оқ наслсиз каламушлардан ажратиб олинган бачадон тўқимаси тузилмаларидан тайёрланган микропрепаратлардан иммуногистокимёвий текшириши усулида, яъни CD-138 маркери билан экспрессия қилиниб, шу маркернинг экспрессияланиши даражасига қараб олинган натижалар ҳақидаги маълумотлар келтирилди.

Калит сўзлар: CD-138 маркер, плазматик хужайралар, иммуногистокимё, сурункали эндометрит, бачадон.

ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКИЕ (МАРКЕР SD-138) РЕЗУЛЬТАТЫ ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ МАТКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ПРИМЕНЕНИИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ В ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ УСЛОВИЯХ

Ишанкулова Дилдора Хабибуллаевна <https://orcid.org/0009-0001-3987-3218>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али Ибн Сины, Узбекистан, Бухара Ш., улица А.Навои. 1 Телефон: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В данном исследовании иммуногистохимическим методом исследовали морфологические изменения в ткани матки и железах при хроническом употреблении белых беспородных крыс энергетических напитков. Микропрепараты, приготовленные из структур ткани матки, выделенных от белых стерильных крыс, подвергали иммуногистохимическому исследованию, т.е. экспрессировали маркер CD-138, и представляли полученные результаты в зависимости от уровня экспрессии этого маркера.

Ключевые слова: маркер CD-138, плазматические клетки, иммуногистохимия, хронический эндометрит, матка.

IMMUNOGISTOCHEMICAL (SD-138 MARKER) RESULTS OF PATHOMORPHOLOGICAL CHANGES IN THE UTERUS DURING CHRONIC DEVELOPMENT OF ENERGY DRINKS IN EXPERIMENTAL CONDITIONS

Ishankulova Dildora Khabibullaevna <https://orcid.org/0009-0001-3987-3218>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara Sh., A. Navoi Street. 1 Phone: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

In this study, the morphological changes in the uterine tissue and glands were investigated by immunohistochemical method when white outbred rats drank chronic energy drinks. Micropreparations prepared from uterine tissue structures isolated from white sterile rats were subjected to immunohistochemical examination, i.e. expressed with the CD-138 marker, and the results obtained depending on the level of expression of this marker were presented.

Key words: CD-138 marker, plasma cells, immunohistochemistry, chronic endometritis, uterus.

Долзарблиги



CD-138 (синдекан-1) бу синдеканлар оиласига мансуб протеогликанларнинг вакили бўлиб ҳисобланади. В лимфоцитларнинг табақаланишининг охириги босқичларида плазматик хужайраларнинг мембранасида экспрессияланади. Синдекан-1 коллаген, фибронектин ва тромбоспондин рецептори каби вазифани бажариб, фибробластларнинг асосий ўсиш факторига боғланиш қобилиятига эга бўлиб васкуляризациясиз жараёнларда иштирок этади [1]. Лимфоцитар плазмоцитлар лимфоцитлар қаторига мансуб бўлган иммунокомпонент хужайралари бўлиб, одам организмида антителолар ишлаб чиқаради. Бу хужайралар иммунопоэз натижасида ҳосил бўлади. Лимфоцитларнинг плазмоцит хужайралари мослашув шаклдаги иммун жавоб, яъни орттирилган иммунитет амалга оширилишига иштирок этади. Плазмоцитлар томонидан ишлаб чиқариладиган антитаначалар юқори даражада махсус (специфик) ҳисобланади. Мисол учун ҳар бир плазмоцит хужайраларидан бир вақтнинг ўзида бир неча минглаб антитаначалар ишлаб чиқарилиши мумкин. Бу хужайралар гуморал иммун жавобни амалга оширишда иштирок этади, яъни дастлаб ёт жисм билан мулоқотда бўлгандан кейин В хужайралар бу ёт жисм ҳақида мълумотларни ўрганиб олиб, кейинчалик бу хужайралар хотира хужайраларига айланади. Агар шу бегона модда қайтадан организмга тушганда хотира хужайралари томонидан сақланган маълумотларга асосланган ҳолда антитаначалар ишлаб чиқарилади [5].

Плазматик хужайралар юмалоқ ва овал шаклда бўлиб, диаметри ўртача 15-20 мкм ни ташкил қилади. Ёруғлик микроскопида кўрганда ядроси яхши ажралиб туради ва унда бўлакчаларга ажралган гетерохромотинни кўриш мумкин ва ядрочаси нисбатан йирикроқ бўлиб тиник цитоплазма билан ўралган бўлади [2]. Етилган плазматик хужайралар ўзининг мембранасида жойлашган асосий молекулаларни йўқотади. В – хужайрали рецептор ва хужайранинг асосий бир-бирига тўқималарни тўғри келувчи комплекси бўлиб киради, В хужайраларнинг асосий мембранали маркери бўлиб синдекан I (CD-138) ҳисобланади ва у плазмоцит хужайраларини стромал хужайралар билан ўзаро алоқада бўлишини таъминлайди. Лимфоцитар плазматик хужайралар кўпинча периферик иммун система аъзоларида, яъни талок, лимфа тугунлар, кўр ичакнинг чувалчангсимон ўсимтасида, Пирогов-Вальдейера лимфатик ҳалқасида ва бўшликли аъзоларнинг шиллик қаватидаги лимфоид тўқимасида жойлашади [7].

Тадқиқот мақсади: Энергетик ичимликларни сурункали қабул қилганда бачадон тўқимасидаги CD-138 маркерининг экспрессияланишини аниқлаш.


Материал ва усуллар

Тадқиқотни амалга ошириш учун аёл жинсдаги 18 нафар оқ наслсиз каламушлар ажратиб олинган ва уларда энергетик ичимликлар ичирилган. Оқ наслсиз каламуш бачадонидан ажратиб олинган тўқималар намуналарини иммуногистохимёвий усулда ўрганиш учун 18 дона буюм ойначасига олинган ва тайёрланган гистологик препаратларни микроскоп остида ўрганиб, ўзгаришга учраган жойлари ажратиб олинган. Иммуногистохимёвий бўяш учун олинган тўқима бўлакчалари 4-6 мкм қалинликда роторли микротом ёрдамида кесиб олингандан кейин, буюм ойнасига кўйилди ва усти қопловчи L-лизинли ёпинғич ойна билан ёпилди. Олинган тўқималарни авидин-биотин иммунопероксидаза усули ёрдамида кесмаларни сувсизлантириш ва парафинсизлантириш усулини қўллаган ҳолда тайёрланилди. Антигенларни температурали маскировкасизлантириш 0,01М цитрат буфер рН 6,0 ли эритмаси орқали босим остида амалга оширилди. Эндоген пероксидазани блоклаш учун препарат 3% ли перикис водород эритмасига 10 минут давомида солиб кўйилди. Препаратни ювиш учун трис-NaCl-буфер рН 7,6 ли эритмаси билан ювилди, кейин экспрессияни ва плазматик хужайраларни аниқлаш учун CD-138 маркер билан экспрессия усули амалга оширилиб, сўнгра DAB+ хромоген усулида бўялди. Бўялган препаратлар тринокуляр микроскоп ёрдамида текширилди. Иммуногистохимёвий натижаларни баҳолаш учун QuPhat 4.4.0 дастури ёрдамида морфометрик текширишлар 5 кўрув майдонида 200 - 400 марта катталаштирилган ҳолда ўрганиб чиқилди. Ажратиб олинган майдондаги позитив экспрессияланган хужайралар умумий майдондаги жаъми хужайраларга нисбатан фоизларда ҳисоблаб чиқилди. Экспрессияланиш даражаси 20% бўлганда паст (даражадаги экспрессия), 20-60 % бўлганда ўрта (даражадаги экспрессия) ва 60% дан юқори бўлганда юқори (даражадаги экспрессия) деб баҳоланди.




Умумий аниқланган хужайралар сони	4847
Позитив хужайралар	128
Негатив Хужайралар	4719
Позитив Экспрессия	2,64 %
Умумий майдон	1147510 px ²

Расм 1 Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши.




Расм 2 Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўкимасида иммуногистокимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 4,08 %




Расм 3 Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўкимасида иммуногистокимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 1,7 % да.


CD-138 – маркёр бундан ташқари бачадоннинг эндометрий қаватида жойлашган плазматик хужайраларда ҳам аниқланади ва сурункали эндометритнинг махсус кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.



Расм 4 Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 0,857 % да.




Расм 5. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 11,158 % да.




Умумий аниқланган ҳужайралар сони	2662
Позитив ҳужайралар	384
Негатив Ҳужайралар	2278
Позитив Экспрессия	14,43 %
Умумий майдон	1147510 px ²

Расм 6. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши.

Сурункали эндометрит - бу бачадоннинг ички қаватининг яллиғланиши ҳисобланади. Сурункали эндометрит - бу срункали узоқ вақт яллиғланиш натижасида эндометрий қаватида структур морфологик ўзгаришларга олиб келади [6]. Сурункали эндометрит махсус (специфик) ва носпецифик бўлади. Махсусга (специфик) турли хилдаги инфекциялар ва паразитлар кирса носпецификда бачадонда патоген микрофлора аниқланмайди. Бу жараён балки бактериал вагинозда, бачадон ичи воситаси қўлланилганда ва гормонал контрацептик воситалар қўллаганда юзага келиши ҳам мумкин. Шунга ўхшаш жараёнлар иммун тизим ҳужайраларини фаоллашувига олиб келади ва булар бачадонда яллиғланиш жараёнини амалга оширади. Шунга асосланиб сурункали эндометритнинг бу турини аутоиммун патологияларга киритилади, сабаби унда иммун система ҳужайралари ўзининг ҳужайралари ва тўқимасига қарши ишлайди. Бу касалликнинг клиник белгиси турли кўринишда намоён бўлади, ва бу касалликнинг сабаблари, яъни инфекция омиллари, бачадон бўшлиғидаги турли манипуляциялар, нурланишлар, туғруқ ва туғруқдан кейинги жараёнлар, эрта жинсий ҳаёт, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар ва бошқа сабаблар натижасида юзага келади.





Расм 7. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистокимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 21,184 %да.



Расм 8. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистокимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 21,4 %да.

Иммуногистокимёвий усул билан CD-138 маркерининг экспрессияланиши ҳақидаги маълумот сурункали эндометритнинг ташҳисотида муҳим ҳисобланади. Баъзи маълумотларга кўра, бу маркернинг бачадон эндометрий қаватида топилиши сурункали эндометритнинг аниқлашнинг << олтин стандарти >> сифатида баҳоланади [10].


Тадқиқот учун ажратиб олинган сурункали энергетик ичимликлар ичган 18 та оқ наслсиз каламушлар бачадонидан ажратиб олинган микропрепаратлар CD-138 маркери билан иммуногистокимёвий натижалари ўрганиб чиқилди.



Умумий аниқланган хужайралар сони	2683
Позитив хужайралар	560
Негатив Хужайралар	2123
Позитив Экспрессия	20,87 %
Умумий майдон	1050413 px ²

Расм 9. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўқимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркёрининг экспрессияланиши.

Олинган натижаларда бачадоннинг строма қаватида маркернинг экспрессияси нисбатан кўпроқ кузатилди. Олинган материалнинг деярли барчасида турли даражада экспрессия аниқланди ва уларни экспрессияланиш даражасига қараб 2% гача экспрессияланганлар сони 7 тани, бу фоизларда 38,8 % ни ташкил қилди (расмга қаранг 5,6,7 ,10), қолган 21 % гача экспрессияланганлар сони 6 тани ёки фоизларда 33,3 %ни ташкил қилди (расмга қаранг 2,4,8). Қолган 11-14 % экспрессияланганлар сони 4 тасида 22,3 % ни ташкил қилди (расмга қаранг 3,9).



Расм 10. Экспериментал энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламуш бачадон тўкимасида иммуногистохимёвий CD-138 маркерининг экспрессияланиши. Мусбат экспрессия 41,5 % да.

Хулоса:

1. Тажириба усулида сурункали равишда энергетик ичимликлар ичган оқ наслсиз каламушлар бачадонидан олинган тўкималарда иммуногистохимёвий CD-138 маркерининг паст даражада экспрессияси аниқланди.
2. Экспрессияланиш бачадон тўкимасининг стромасида кўпроқ кузатилди.
3. Сурункали энергетик ичимликларни истеъмол қилиш аёлларда хавф омили сифатида сурункали эндометрит касаллигини чақиррилиши иммуногистохимёвий маълумотлар асосида исботланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сухих Г. Т., Шуршалина А. В. Хронический эндометрит: Руководство. /М.: ГЭОТАР-Медиа. 2010; 64 с.
2. Buckley C. H., Fox H. Biopsy pathology of the endometrium. //Arnold. 2002; 264 с.
3. Eckert L. O., Hawes S. E. Endometritis: The clinical-pathologic syndrome. //Am. J. Obstet. Gynecol. 2002;186(4):690-695.
4. Eisert W. G. Dipyridamole. Platelets. Ed. by Michelson A. D. Cambridge (USA). 2002; 215 с.
5. Glasser S. R., Aplin J. D. The endometrium. Taylor and Francis. 2002.
6. Haggerty C.L., Ness R.B., Amortegui A. et al. Endometritis does not predict reproductive morbidity after pelvic inflammatory disease. //Am. J. Obstet. Gynecol. 2003;188:141-148.
7. Mount S., Mead P., Cooper K. Chlamydia trachomatis in the endometrium: can surgical pathologists identify plasma cell. //Adv. Anat. Pathol. 2001;8(6):327-329.
8. Саноев Б.А., Ниёзова Т.Ш., Проявления Н. Лейомиом матки //Новый день в медицине 2020;2(30):526-528. https://newdayworldmedicine.com/upload_files/journal_article/65c382664e484.pdf
9. Abdurasulovich S. B. et al. Heart diseases in forensic medical practice: sudden cardiac death //World Bulletin of Public Health. 2022;8:76-79.
10. Саноев Б. А. Морфологические И Морфометрические Характеристики Плаценты При Нормальной Беременности. //Development of a modern education system and creative ideas for it, republican scientific-practical online conference on"" suggestions and solutions. 2020;6:94-96.
11. Андриенко, В. С.Власюк О.В Спецвыпуск Опубликовано в Молодой учёный 2020 июль; 27(317).
12. Мотыгина А.С Влияние энергетических напитков на биологический материал IX Международная научная конференция г.Сочи, 7-10 ноября 2021г.
13. Григорьева, Ю. В. Особенности строения мио-метрии нижнего сегмента матки лабораторных крыс / Ю. В. Григорьева, Н. В. Ямщиков, А. В. Бормотов, К. Ф. Гарифуллина //Фундаментальные исследования. 2012;12(1):48-51.
14. Ishankulova D.X., Ilyasov A.S., Ixtiyarova G.A. Vozdeystviye energeticheskix napitkov na reproduktivnyuyu sistemu cheloveka i jivotnix //Tibbiyotda yangi kun. 2023;5(55):341-344.
15. Ishankulova D.Kh., Ilyasov A.S., Ikhtiyarova G.A., Ishankulova Sh.A. Analysis of consumption of energy drinks among teens in bukhara region //International Journal of Medical Sciences And Clinical Research (ISSN – 2771-2265) 2024;4(1):19-24.
16. Ishankulova D.Kh., Ilyasov A.S., Ikhtiyarova G.A. Morphological characteristics of the uterus of white outbred rats //American Journal Of Biomedical Science & Pharmaceutical Innovation (ISSN – 2771-2753) 2024;4(1):22-27.

Қабул қилинган сана 20.09.2024